

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Кўл ёзма ҳукукида
УДК _____

658.562:6П2.15.7(575.1)(043.3)

БАЙМУРАДОВ ШОХРУХ МАХМУДОВИЧ

**ЭЛЕКТРОН САВДОЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ
МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИ РАҚОБАТБАРДОШЛИгини
ОШИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

08.00.02 – Макроиқтисодиёт

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
Илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Мустафакулов Шерзод Игамбердиевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

Тошкент - 2023

1246

МУНДАРИЖА

	Кириш	3
I-БОБ	Электрон савдолар орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-услубий асослари	13
1.1-§	Мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигига электрон савдолар таъсирининг аҳамияти ва илмий-назарий асослари.	13
1.2-§	Электрон савдо: моҳияти, классификацияси, ривожланиш тенденцияси ва унга таъсир этувчи омиллар	28
1.3-§	Мамлакат иқтисодиётининг нисбий устун соҳаларини аниқлашда электрон савдодан фойдаланиш	40
	Биринчи боб бўйича хулосалар	44
II-БОБ	Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишда электрон савдолар ривожланишининг ҳозирги ҳолат таҳлили ва электрон савдоларнинг ижтимоий-иқтисодий таъсири	46
2.1-§	Мамлакатимизда электрон савдоларни амалга ошириш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асослар таҳлили ва уни мустаҳкамлаш йўналишлари	46
2.2-§	Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда электрон савдолар инфратузилмасининг асосий имкониятлари	58
2.3-§	Давлат харидларини амалга оширишда электрон савдолардан фойдаланиш самарадорлиги	72
	Иккинчи боб бўйича хулосалар	84
III-БОБ	Рақамли трансформация шароитида электрон савдоларни ривожлантириш ва мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш истиқболлари	87
3.1-§	Электрон савдолар орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг илғор хорижий тажрибалари	87
3.2-§	Рақамли трансформация шароитида электрон савдолар ривожланишининг асосий йўналишлари	100
3.3-§	Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишда электрон савдоларни ривожлантириш истиқболлари	112
	Учинчи боб бўйича хулосалар.....	126
	Хулоса	128
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	131

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кескинлашуви шароитида ҳеч бир мамлакат барча соҳаларда рақобатбардош бўла олмаслиги сабабли, ҳар бир мамлакатнинг рақобатбардошлиги тузилмаси ўзининг хилма-хиллигини намоён этмоқда. Бунинг натижасида мамлакатлар ички шароитлари энг динамик ва истиқболли бўлган маълум тармоқларда муваффақиятга эришмоқдалар. “Рақобатбардошликни таъминлашнинг асосий омилларидан бири сифатида бизнесни рақамлаштириш жараёнларига самарали жалб этиш учун шарт-шароитларни шакллантиришни ажратиб кўрсатиш мумкин”¹. Мамлакат иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги аниқ макроиқтисодий хусусиятга эга. Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида мамлакатнинг рақобатбардошлигини таъминлаш нафақат жаҳон бозоридаги ўрнини тавсифловчи, балки кўп жихатдан унинг миллий хавфсизлигини белгилаб берувчи энг муҳим масаладир.

Дунёда тобора тараққий этаётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар халқаро миқёсда рақобат курашининг янада кескинлашувига сабаб бўлаётган шароитда электрон савдоларни ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини ошириш борасида кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Замонавий дунёнинг ажралмас бўғини ҳисобланган Интернет ва рақамли технологиялардан кенгрок фойдаланиш, миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, халқаро рақобатлашувда рақамли технологияларни самарали қўллаш, жаҳон иқтисодиётида электрон савдолар механизмини такомиллаштириш, илмий-техникавий тараққиётни жадаллаштириш, интернет тармоғидаги электрон савдонинг глобал транзакцияларини ўстириш, электрон савдоларда замонавий савдо ва маркетинг платформалари, электрон дўконлар, тўлов тизимлари, шунингдек, электрон инфратузилмаларнинг фаолият самарадорлигини ошириш бу

¹ Современный взгляд на конкурентоспособность экономики. Вызовы и перспективы для стран ЕАЭС и СНГ. - <https://e-cis.info/news/566/85116/>